

**А.АВЛУНИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МУАММОЛАРИНИ  
ЎРГАНИШ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ ИЛМИЙ-  
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.28/30.12.2019.Ped.68.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**А.АВЛУНИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МУАММОЛАРИНИ  
ЎРГАНИШ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ ИЛМИЙ  
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ЗАКИРОВА МАДИНА РИНАТОВНА**

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБ ДИРЕКТОРЛАРИНИНГ  
КРЕАТИВ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИОН КОМПЕТЕНТЛИГИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ (халқ таълими тизими раҳбарларининг малака  
ошириш курслари мисолида)**

**13.00.07 – Таълимда менежмент**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PHD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PHD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract the doctor of philosophy (PHD) on  
pedagogical sciences**

**Закирова Мадина Ринатовна**

Умумий ўрта таълим мактаб директорларининг креатив ахборот-коммуникацион компетентлигини ривожлантириш (халқ таълими тизими раҳбарларининг малака ошириш курслари мисолида) .....3

**Закирова Мадина Ринатовна**

Развитие креативной информационно-коммуникационной компетентности директоров средних общеобразовательных школ (на примере курсов повышения квалификации руководителей системы народного образования) .....23

**Zakirova Madina Rinatovna**

Development of creative information-communication competence of directors in general educational schools (on the example of courses for improving the qualification of leaders of the public education system).....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works .....47

**А.АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МУАММОЛАРИНИ  
ЎРГАНИШ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ ИЛМИЙ-  
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.28/30.12.2019.Ped.68.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**А.АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МУАММОЛАРИНИ  
ЎРГАНИШ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ ИЛМИЙ  
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ЗАКИРОВА МАДИНА РИНАТОВНА**

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБ ДИРЕКТОРЛАРИНИНГ  
КРЕАТИВ АХБОРОТ-КОММУНИЦИОН КОМПЕТЕНТЛИГИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ (халқ таълими тизими раҳбарларининг малака  
ошириш курслари мисолида)**

**13.00.07 – Таълимда менежмент**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2019.2.PhD/Ped1047 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация А.Авлоний номидаги Халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.avloniy.uz](http://www.avloniy.uz)) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бегимкулов Узокбой Шоимкулович  
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Раҳманкулова Наргиз Хаджиакбаровна  
педагогика фанлари доктори, профессор

Хамидов Жалил Абдурасулович  
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:


Тошкент ахборот технологиялари университети

Диссертация ҳимояси А.Авлоний номидаги Халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.28/30.12.2019.Ped.68.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «23» декабрь кuni соат 12<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100095, Ташкент шаҳри, Зиё кўчаси, 6-уй. Тел.: (99871) 227-12-52; факс: (99871) 246-06-69; e-mail: [avloniy@xtv.uz](mailto:avloniy@xtv.uz)).


Диссертация билан А.Авлоний номидаги Халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (156796 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Ташкент шаҳри, Зиё кўчаси, 6-уй. Тел.: (99871) 227-12-52; факс: (99871) 246-06-69.

Диссертация автореферати 2021 йил «10 декабрь» кuni тарқатилди.  
(2021 йил «10» декабрь даги 18 - рақамли реестр баённомаси).



  
М.А. Юлдашев  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

  
Ф.Э.Каримов  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби,  
с.ф.д., доцент

  
Ш.И.Пахрутдинов  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, с.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (Phd) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда жаҳонда таълим жараёнини рақамлаштириш инсоннинг энг муҳим “мослашувчан” кўникмаларидан (Soft skills) бири ҳисобланган креатив салоҳиятли ва замонавий ахборот-коммуникацион технологиялардан самарали фойдалана оладиган раҳбар кадрларни тайёрлаш эҳтиёжини юзага келтирмоқда. Шу нуқтаи назардан Англия, Америка, Жанубий Корея, Россия каби бир қатор ривожланган мамлакатларда мутахассисларни узлуксиз касбий ривожлантириш тизими компетентли ёндашув ва “билимлар иқтисодиёти” (economy of knowledge) асосида такомиллаштирилмоқда.

Дунё миқёсида умумтаълим муассасалари раҳбарларининг бошқарув компетентлигини ривожлантириш механизмларини замонавий ахборот-коммуникацион технологиялар ва инновациялар асосида такомиллаштириш муҳим педагогик муаммо ҳисобланади. ЮНЕСКО томонидан узлуксиз таълим тизимини электрон ва масофавий технологиялар, креатив ва инновацион таълим методларини жорий этиш асосида такомиллаштиришга, шунингдек, раҳбар ва педагог кадрларнинг ахборот-коммуникацион компетентлигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунинг учун ҳам бугунги кунда раҳбарларнинг бошқарув компетентлигини ривожлантириш механизмларини замонавий ахборот-коммуникацион технологиялар асосида такомиллаштириш муаммосини ўрганиш зарур ҳисобланади.

Янги Ўзбекистонда ахборотлашган жамиятни ривожлантиришнинг замонавий тенденцияларига мос равишда халқ таълими тизими раҳбарларининг бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясида “узлуксиз таълим тизими мазмунини сифат жиҳатидан янгилаш, шунингдек, профессионал кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш; ўқитиш методикасини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш; халқ таълими соҳасига замонавий ахборот-коммуникацион технологиялар ва инновацион лойиҳаларни жорий этиш”<sup>1</sup> вазифалари белгиланган. Бу борада умумий ўрта таълим мактаб директорларининг креатив ахборот-коммуникацион компетентлигини ривожлантириш орқали уларнинг бошқарув фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган тадқиқот мавзуси муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги ПФ-5538-сон “Халқ таълимининг бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2019 йил 29 апрелдаги

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси // <https://lex.uz/docs/4312783>

ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2021 йил 25 январдаги ПҚ-4963-сон “Халқ таълими соҳасидаги илмий-тадқиқот фаолиятини кўллаб-қувватлаш ҳамда узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Умумий ўрта таълим мактаб директорларининг бошқарув компетентлигини ривожлантириш муаммоси сўнгги йилларда бир қатор олимлар томонидан ўрганилмоқда. Жумладан, мамлакатимизда таълим менежменти назарияси ва амалиётида раҳбар кадрларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг назарий асосларини такомиллаштириш, бошқарув фаолияти натижалари самарадорлигини ошириш ва ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш масалалари Э.Алқаров, Н.Ахмедова, М.Ахмедов, М.Вахобов, А.Ибрагимов, Д.Маматкулов, М.Мирсолиева, А.Раджиев, С.Турғунов, Ж.Йулдошев, М.Юлдашев ва бошқа бир қатор олимлар томонидан ўрганилган. Кадрларнинг креатив потенциалини ривожлантириш муаммолари А.Арипжанова, Г.Ибрагимова, Ш.Позилова каби олимларнинг ишларида ўз аксини топган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидан И.Гришина, И.Зимняя, Ю.Подзюбанова, О.Чуланова ва бошқаларнинг илмий-тадқиқот ишларида раҳбарларнинг касбий ва бошқарув компетентлигини ривожлантириш масалалари кўриб чиқилган. Л.Гайдаренко, М.Лапчик, С.Маловидченко, С.Тришина ва бошқа тадқиқотчилар томонидан ахборот-коммуникацион компетентликни ривожлантириш масалалари тадқиқ қилинган. А.Анацкая, Е.Ильин, М.Кашапова, Е.Панова, М.Холодная ва бошқа олимларнинг ишларида креативликнинг касбий фаолият натижаларига таъсири кўрсатиб ўтилган.

Хорижий мамлакатларда умумтаълим муассасалари раҳбар кадрларининг бошқарув компетентлигини инновацион ёндашувлар асосида ривожлантириш масалалари Y.Sun, D.Vlachopoulos, D.Pitsiavas ва бошқалар томонидан ўрганилган. Креативликнинг назарий асослари Дж.Гилфорд, Ф.Зенанси, А.Маслоу, S.Thaler ва Е.Torrance ишларида ёритилган.

Тадқиқотлар таҳлили умумий ўрта таълим мактаб директорларининг креатив ахборот-коммуникацион компетентлигини ривожлантириш

муаммоси таълим менежментида педагогик муаммо сифатида ўрганилмаганлигини кўрсатади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган таълим ташкилотининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти А.Авлоний номидаги халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий-тадқиқот институтининг “Халқ таълими тизимида раҳбар кадрларни танлаш ва тақсимлаш бўйича самарали илмий асосланган механизмларни жорий этиш зарурати” мавзусидаги илмий-тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** умумий ўрта таълим мактаб директорларининг креатив ахборот-коммуникацион компетентлигини ривожлантиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

“креатив ахборот-коммуникацион компетентлик” тушунчаси моҳиятини аниқлаш ҳамда умумий ўрта таълим мактаб директорларининг бошқарув самадорлигини таъминлашда мазкур компетентликни ривожлантириш зарурлигини асослаб бериш;

умумий ўрта таълим мактаб директорларида бошқарув фаолияти самадорлигини таъминлашга қаратилган креатив ахборот-коммуникацион компетентликни ривожлантириш механизмларини ахборот-бошқарув нуқтаи назаридан ишлаб чиқиш;

мактаб директорларининг бошқарув фаолияти самадорлигини баҳолаш мезонларини креатив ахборот-коммуникацион компетентлигини ривожлантириш мезонларини аниқлаш асосида такомиллаштириш;

умумий ўрта таълим мактаб директорининг бошқарув фаолиятини креатив ахборот-коммуникацион компетентлигини ривожлантириш асосида такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида умумий ўрта таълим мактаб директорларининг креатив ахборот-коммуникацион компетентлигини ривожлантириш жараёни олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** умумий ўрта таълим мактаб директорларининг креатив ахборот-коммуникацион компетентлигини ривожлантириш орқали уларнинг бошқарув фаолияти самадорлигини ошириш механизмларидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида қуйидаги усуллардан фойдаланилди: илмий-методик ишларни ўрганиш, таҳлил, синтез, умумлаштириш, педагогик кузатув, электрон сўров, онлайн тестлар, қиёслаш, моделлаштириш, тажриба-синов, математик-статистик таҳлил.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

умумий ўрта таълим мактаб директорларининг бошқарув компетентлигига қўйиладиган малака тавсифлари таркиби, ахборот ва менежерлик қобилиятларнинг интегратив уйғунлигини таъминловчи рақамли технологиялар асосида инновацион ахборот-бошқарув муҳитини шакллантириш талабини киритиш орқали такомиллаштирилган;

мактаб директорининг бошқарув фаолиятини рақамли технологиялар асосида ташкил этиш самадорлиги бошқарув жараёнидаги “вертикал” ва “горизонтал” коммуникацияларни булутли хизматлар (cloud computing)нинг мослашув, оператив ва виртуаллаштириш имкониятлари асосида интеграциялаш ва узлуксизлигини таъминлашга имконият яратувчи инновацион ахборот-бошқарув муҳитининг яратилиши билан асосланган;

бошқарув компетентликни узлуксиз таълим тизимида ривожлантириш механизми ахборот-коммуникацион компетенцияларни динамик равишда мураккаблаштириб бориш асосида ахборот-бошқарув муҳитини ривожлатиришига қаратилган табақалаштирилган малака ошириш курсларини киритиш орқали такомиллаштирилган;

замонавий ахборот-коммуникацион технологиялардан бошқарув фаолиятида фойдаланиш компетенцияларини баҳолаш мезоналарининг таркиби “бошқарув жараёнларини ахборотлаштириш”, “бошқарувга оид ахборот жараёнларини оптималлаштириш” ҳамда “ахборот-менежерлик мотивларни ривожлантириш” асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

“креатив ахборот-коммуникацион компетентлик” тушунчасининг мазмун-моҳиятини аниқлаш асосида умумий ўрта таълим мактаб раҳбарларининг малака тавсифлари такомиллаштирилган;

умумий ўрта таълим мактаб директорларининг бошқарув компетентлигини касбий ривожланиш таълими тизимига кредит-модуль тизими асосида ташкил этилган “Таълим муассасаси фаолиятини самарали ташкил этиш ва бошқаришга оид дастурий маҳсулотлар” номли малака ошириш курси киритилиб, унинг мазмуни ва ўқув-услубий ресурслари (ўқув режа, ишчи дастурлар, электрон ўқув-услубий ресурслар, тест вазифалари) ишлаб чиқилган;

мактаб раҳбарларининг креатив ахборот-коммуникацион компетентлигини ривожлантириш мақсадида мактабни бошқариш жараёнларини булутли хизматлар асосида ташкил этиш механизми таклиф этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** илмий-методик таклифларнинг амалиётга жорий қилингани, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси тавсия этган маҳаллий ва хорижий илмий журналларда мақолаларнинг чоп этилгани, Республика ва халқаро илмий конференциялар материалларида апробациядан ўтказилгани; тадқиқот вазифаларига мос равишда тадқиқот усулларида ҳамда расмий манбалардан олинган маълумотлардан фойдаланилгани; маълумотларни репрезентатив тарзда танлаш ва уларга математик-статистик ишлов берилгани, шунингдек, натижаларнинг тегишли ваколатли органлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таълим менежменти назариясини “креатив ахборот-коммуникацион компетентлик” тушунчасининг мазмун-моҳияти

аниқлаш асосида умумий ўрта таълим мактаб директорларининг бошқарув фаолиятини замонавий ахборот-коммуникацион технологиялар асосида ташкил этиш механизмларининг асослангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти умумий ўрта таълим мактаб директори бошқарув фаолияти самадорлигининг оширилгани ҳамда узлуксиз касбий таълим тизимидаги малака ошириш курслари мазмуни ва ўқув-услубий таъминотининг такомиллаштирилгани билан белгиланади. Тақдим этилган тавсия ва таклифлар умумий ўрта таълим мактаб директорларининг бошқарув фаолияти самадорлигини оширишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Умумий ўрта таълим мактаб директорларининг малака ошириш курсларида креатив ахборот-коммуникацион компетентлигини ривожлантириш бўйича тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

умумий ўрта таълим мактаб директорларида ахборот ва менежерлик қобилиятларнинг интегратив уйғунлигини таъминловчи рақамли технологиялар асосида инновацион ахборот-бошқарув муҳитини шакллантириш талаби Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 28 июндаги 193-сон “Халқ таълими ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш малака ошириш курсларининг ўқув режаси, ўқув дастури ва малака талаблари тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи билан тасдиқланган раҳбар кадрларнинг малака талаблари мазмунига сингдирилган (Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 4 октябрдаги 02-02/3-2614-сон маълумотномаси). Натижада умумий ўрта таълим мактаб директорларига қўйилган талаблар ахборотлашган жамиятнинг талабларига мослаштирилган;

бошқарув жараёнидаги “вертикал” ва “горизонтал” коммуникацияларни булутли хизматлар (cloud computing)нинг мослашув, оператив ва виртуаллаштириш имкониятлари асосида интеграциялаш ва узлуксизлигини таъминлашга имконият яратувчи инновацион ахборот-бошқарув муҳитини ташкил этиш механизми Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 30 мартдаги “Халқ таълими тизимини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда молиялаштириш тўғрисида”ги 95-сон буйруғи билан тасдиқланган “Upgrade” лойиҳасида фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 4 октябрдаги 02-02/3-2614-сон маълумотномаси). Натижада умумий ўрта таълим мактаб директорларининг бошқарув фаолиятини замонавий ахборот-коммуникацион технологиялари асосида такомиллаштиришга имконият яратилди;

бошқарув компетентликни узлуксиз таълим тизимида ривожлантиришга қаратилган ахборот-коммуникацион компетенцияларни динамик равишда мураккаблаштириб бориш орқали ахборот-бошқарув муҳитини ривожлантиришга қаратилган малака ошириш курслари Халқ таълими вазирлигининг 2020 йил 20 ноябрдаги “Халқ таълими тизимидаги таълим муассасаларининг ахборот технологиялари бўйича ўқитувчиларни ўқитиш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш тўғрисида”ги

50-сон, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 11/15-сон, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 49-сон қўшма қарорлари билан тасдиқланган малака ошириш дастурига киритилган (Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 4 октябрдаги 02-02/3-2614-сон маълумотномаси). Натижада умумий ўрта таълим мактаб директорларининг малакасини ошириш курсларининг сифати таъминланган;

“бошқарув жараёнларини ахборотлаштириш”, “бошқарувга оид ахборот жараёнларини оптималлаштириш” ҳамда “ахборот-менежерлик мотивларни ривожлантириш” асосида такомиллаштирилган замонавий ахборот-коммуникацион технологиялардан бошқарув фаолиятда фойдаланиш компетенцияларини баҳолаш мезонлари Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 8 февралдаги 43-ИЧ-сонли буйруғига биноан ишлаб чиқилган ва Р.013.043.0965/Б-21-рақами билан умумий ўрта таълим мактаб директорининг касб стандартида фойдаланган (Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 4 октябрдаги 02-02/3-2614-сон маълумотномаси). Натижада умумий ўрта таълим мактаб директорларига қўйилган талаблари такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 21 та илмий иш чоп этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, шулардан, 2 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши ва апробацияси, эълон қилиниши, диссертациянинг тузилишига оид маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Умумий ўрта таълим мактаб директорларининг креатив ахборот-коммуникацион компетентлигини ривожлантиришнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида умумий ўрта таълим мактаб директорларининг бошқарув компетентлигининг мазмуни, “креатив ахборот-коммуникацион компетентлик” тушунчасининг мазмун-моҳияти ҳамда малака ошириш курслари мазмунини креатив

ахборот-коммуникацион компетентлигини ривожлантириш нуқтаи назаридан такомиллаштиришга оид маълумотлар баён қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларида халқ таълими тизимини ислоҳ қилишнинг йўналишларидан бири сифатида “халқ таълими муассасаларини бошқариш тизимига замонавий ахборот-коммуникацион технологияларни кенг жорий этиш, шаффоф ва самарали жамоатчилик назоратига эришиш, шу жумладан, барча муассасаларнинг телекоммуникация тармоқларига уланишини таъминлаш, барча фойдаланиши мумкин бўлган маълумотлар манбасини яратиш, уларнинг фаолиятини баҳолашнинг электрон рейтинг тизимини жорий этиш”<sup>2</sup> белгиланган. Бундай шароитларда умумий ўрта таълим мактаб раҳбарларининг бошқарув фаолиятини ахборот-коммуникацион технологиялар асосида такомиллаштириш долзарб муаммо ҳисобланади.

Тадқиқот жараёнида диссертация мавзусига доир илмий ишлар таҳлил қилинди. Хусусан, М.Мирсолиева, С.Турғунов, шунингдек И.Зимняя, В.Кричевский, О.Чуланов, D.Vlachopoulos, D.Pitsiavas, M.Nagar, L.Rahoo каби олимларнинг тадқиқотларида таълим муассасалари раҳбар кадрларининг бошқарув фаолияти самарадорлигини оширишга компетенциявий ва инновацион ёндашувлар асосида эришиш мумкинлиги аниқланди.

Таҳлиллар асосида глобал ахборотлашув шароитида умумий ўрта таълим мактаб директорлари бошқарув компетентлигининг юқори даражасига эришиш учун уларнинг нафақат менежерлик компетентлигини, балки креативлиги ва ахборот-коммуникацион компетентлигини ҳам ривожлантиришга хизмат қилувчи уйғунлаштириш механизмларни ишлаб чиқиш зарурлиги асосланди.

Шунингдек, умумий ўрта таълим мактаб директорларининг малака ошириш курслари давомида бошқарув компетентлигини ривожлантириш муаммолари ўрганилди. Натижада умумий ўрта таълим мактаб директорлари малакасини ошириш курсларининг мазмуни замонавий ахборот-коммуникацион технологияларни ўз ичига олмагани ҳамда бошқарув фаолиятда уларнинг қўлланилиши очиб берилмагани аниқланди. Бундан таълим менежментида раҳбарларнинг бошқарув компетентлигини ривожлантириш масалаларига катта эътибор берилганлиги билан умумий ўрта таълим мактаб директорларининг креатив қобилиятларини ривожлантириш асосида замонавий ахборот-коммуникацион технологияларнинг бошқарувдаги имкониятларидан фойдаланиб инновацион ахборот-бошқарув муҳитини шакллантириш механизмлари ишлаб чиқилмаганлиги ўртасидаги зиддиятлар юзага келди.

Ушбу қарама-қаршиликни ҳал этиш учун креатив ва ахборот-коммуникацион компетентлик таърифлари асосида “креатив ахборот-

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти 2018 йил 5 сентябрдаги ПФ-5538-сонли “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони <https://lex.uz/docs/3893445>

коммуникацион компетентлик”ка оид муаллифлик тушунчаси киритилди. Тадқиқот жараёнида умумий ўрта таълим мактаб директорларининг креатив ахборот-коммуникацион компетентлиги мазмуни директорларнинг ахборот ва менежерлик қобилиятларининг интегратив уйғунлиги асосида ахборот-бошқарув муҳитини замонавий ахборот-коммуникацион технологиялар ёрдамида шакллантириш ва инновацион ахборот-бошқарув муҳитига олиб келиш учун зарур бўлган ахборот ва менежерлик билим, кўникма, тажриба ва мотивациялари киритилди.

Шу билан бирга умумий ўрта таълим мактаб директорларининг бошқарув фаолиятида қўлланиладиган замонавий ахборот-коммуникацион технологиялар таҳлил этилиб, бугунги кунда ривожланган булутли технологиялар ва ижтимоий тармоқларнинг бошқарувдаги хусусиятлари очиқ берилди. Улар бошқарув жараёнлари (ташхислаш, режалаштириш ва ташкил этиш)ни ахборотлаштириш асосида бошқарувга оид маълумотларни тезкор равишда йиғиш, таҳлил этиш, визуаллаштириш, якка жойда тизимли равишда сақлаш, хавфсизлигини таъминлаш ҳамда қарорларнинг бажарилишини узлуксиз равишда мониторингини олиб бориш имкониятларини яратади. Бу эса бошқарувга оид ахборот жараёнларини оптималлаштириш, бошқарув жараёнидаги “вертикал” ва “горизонтал” коммуникацияларни узлуксиз равишда олиб бориш асосида ўзаро мулоқотни самарали ташкил этиш, бошқарув қарорларини биргаликда мувофиқлаштириш ва мослашувчанлигини ошириш ҳамда натижаларини тезкор равишда амалиётга тадбиқ этилишига олиб келади.

Ишлаб чиқилган креатив ахборот-коммуникацион компетентлик тушунчасининг мазмун-моҳияти асосида умумий ўрта таълим мактаб раҳбарларига қўйиладиган малака тавсифлари таркиби такомиллаштирилди. Унга “мактабни бошқариш жараёнида ахборот-коммуникацион технологияларидан фойдаланиш” талаби киритилиб, бошқарув жараёнларини ахборотлаштириш мактабнинг инновацион ахборот-бошқарув муҳитини шакллантиришга олиб келиши аниқланди. Янги талабларга мос равишда малака оширишнинг амалдаги дастурлари янгиланди ҳамда “Бошқарувда ахборот-коммуникацион технологиялар” ўқув модулининг мазмуни такомиллаштирилди. Шунингдек, кредит-модуль тизими асосида ташкил этилган “Таълим муассасаси фаолиятини самарали ташкил этиш ва бошқаришга оид дастурий маҳсулотлар” ва “Ижтимоий тармоқлар орқали мактаб фаолиятига оид маълумотлар ва ҳужжатларни алмашиш” табақалашган малака ошириш курслари яратилиб, уларнинг мазмуни ва ўқув-услубий ресурслари ишлаб чиқилди. Ушбу курслар мазмунида директорларнинг бошқарув фаолияти самадорлигини оширишга хизмат қиладиган булутли ва тармоқли технологиялардан тизимли фойдаланиш масалаларига асосий эътибор қаратилди.

Диссертациянинг “**Умумий ўрта таълим мактаб директорларининг креатив ахборот-коммуникацион компетентлигини ривожлантириш механизмлари**” деб номланган иккинчи бобида умумий ўрта таълим мактаб

директорларининг креатив ахборот-коммуникацион компетентлигини ривожлантириш модели, баҳолаш мезонлари ҳамда улар асосида инновацион ахборот-бошқарув муҳитини шакллантириш механизми очиб берилган.

Умумий ўрта таълим мактаб директорларининг креатив ахборот-коммуникацион компетентлигини ривожлантиришга таъсир этувчи механизмлар яхлитлиги ва ўзаро боғлиқлигини таъминлаш имконини берувчи қуйидаги компонентлардан ташкил топган модел ишлаб чиқилган (1-расмга қаранг):

мақсадли компонент директорларнинг креатив ахборот-коммуникацион компетентлигини ривожлантириш орқали уларнинг бошқарув фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган;

ахборот-таълим муҳити креатив ахборот-коммуникацион компетентликни ривожлантириш жараёнининг асосий компоненти сифатида белгиланган;

мазмунли компонент умумий ўрта таълим мактабларини бошқаришда қўлланиладиган замонавий ахборот-коммуникацион технологияларнинг имкониятлари орқали очиб берилган;

процессуал-технологик компонент креатив ахборот-коммуникацион компетентликни ривожлантириш механизмлари асосида ёритилган;


баҳоловчи компонент креатив ахборот-коммуникацион компетентликни ривожлантириш мезонлари ва даражаларини ўз ичига олган.

Ушбу моделнинг ўзига хослиги шундаки, мактаб директорининг шахсий ахборот-бошқарув муҳитини рақамли технологиялар асосида инновацион ахборот-бошқарув муҳитига олиб чиқиш имконини беради.

Узлуксиз касбий таълим шароитида умумий ўрта таълим мактаб директорларининг креатив ахборот-коммуникацион компетентлигини ривожлантиришнинг шакллари сифатида малака оширишнинг масофавий ҳамда мустақил таълим турлари танланди. Ривожлантириш усуллари сифатида эмпатия, таянч саволлар ва ноодатий жараёнларда самарали ечим топиш каби креатив методлар белгиланди. Умумий ўрта таълим мактаб директорларининг креатив ахборот-коммуникацион компетентлигини ривожлантиришнинг асосий воситалари сифатида интерактив видеомаъруза, амалиётга йўналтирилган вебинар таклиф этилди.

Тадқиқот давомида креатив ахборот-коммуникацион компетентликни ривожлантириш жараёни бешта босқичлар билан тавсифланган.

1-босқич замонавий ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланишга қаратилган мавжуд билим, кўникма ва компетенциялар диагностикаси ёки ўз-ўзини баҳолашга қаратилган. Мазкур диагностика тест усули асосида “Узлуксиз касбий таълим” электрон тизимида амалга оширилади. Ўз-ўзини баҳолаш эса директор томонидан рефлексия ҳамда мавжуд бўлган ахборот ва менежерлик кўникмаларни таҳлил этиш орқали амалга оширилади.



**1-расм. Умумий ўрта таълим мактаб директорларини креатив ахборот-коммуникацион компетентлигини ривожлантиришнинг модели**

2-босқичда диагностик тест натижаларидан келиб чиққан ҳолда ахборот-коммуникацион компетентликнинг бошланғич даражаси белгиланади, унга боғлиқ равишда табақалашган малака ошириш курси танланади ва мазкур курснинг мазмуни вариатив тарзда ўзлаштирилади.

3-босқичда умумий ўрта таълим мактаб директори замонавий ахборот-коммуникацион технологиялари бўйича олинган билимларни мустақил равишда татбиқ этади. Ушбу босқичда директорнинг шахсий ахборот-бошқарув муҳити рақамли технологиялар асосида мураккаблаштирилади.

Замонавий ахборот-коммуникацион технологиялардан бошқарувда фойдаланишга қаратилган янги билим, кўникма ва компетенцияларни ривожлантириш бўйича 4-босқичи амалиётга йўналтирилган вебинарлар асосида олиб борилади.


Шахсий тажрибани татбиқ этиш бўйича 5-босқичда инновацион ахборот-бошқарув муҳити шаклланади.

Диссертация ишида мактабни бошқариш жараёнларини булутли хизматлар асосида ташкил этиш механизми очиб берилган (2-расмга қаранг). Булутли хизматларга асосланган инновацион ахборот-бошқарув муҳити бошқарувга оид ахборот жараёнларини оптималлаштиришга олиб келиши натижасида қуйидаги имкониятларни яратади:

мактаб жараёнига тааллуқли маълумотларни тезкор равишда йиғиш, таҳлил этиш ва визуаллаштириш (gmail, Google Drive);

бошқарувга оид маълумотларни яқка жойда тизимли равишда сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш (Google Disk);

маълумотларни таҳлил этиш натижасида мактабни ривожлантириш режаларини биргаликда шакллантириш ва уларнинг бажарилиши бўйича ҳисоботларни тайёрлаш (GoogleCalendar, Google Drive).



**2-расм. Мактаб инновацион ахборот-бошқарув муҳитининг тузилмаси**

Google Form, gmail, GoogleMeet хизматлари асосида шакллантирилган инновацион ахборот-бошқарув муҳити бошқарув жараёнларини ахборотлаштиришнинг қуйидаги функцияларини ўз ичига олади:

раҳбар кадрлар, ўқитувчи, ўқувчи ва ота-оналар ҳамкорлигини узлуксиз равишда олиб бориш;

ўзаро мулоқотни самарали ташкил этиш;

бошқарув қарорларни биргаликда мувофиқлаштириш;

бошқарув қарорларининг мослашувчанлигини ошириш;

қарорларнинг бажарилишини узлуксиз равишда биргаликдаги мониторингини олиб бориш;

бошқарув натижаларини амалиётга тезкор равишда тадбиқ этиш.

Тадқиқот жараёнида Б.Блум таксономияси асосида умумий ўрта таълим мактаб директорларининг бошқарув фаолиятида замонавий ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиш компетенциялари ишлаб чиқилди (1-жадвалга қаранг). Мазкур компетенциялар учта мезонлар асосида белгиланди: бошқарув фаолиятини ахборотлаштириш функцияларини англаш (когнитив), бошқарувга оид ахборот жараёнларини оптималлаштириш (фаолиятли) ва бошқарувда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш мотивларини ривожлантириш (мотивацион).

**1-жадвал.**

**Б.Блум таксономияси бўйича директорларнинг ахборот-коммуникацион компетенциялари**

<b>Мезон</b>	<b>Даражалари</b>	<b>Компетенция</b>
<b>Когнитив</b>	Билиш (К1)	умумий ўрта таълим мактабларини бошқариш ва ривожлантириш жараёнларида қўлланиладиган замонавий ахборот-коммуникацион технологиялар ва улардан фойдаланиш самарадорлигини билиш қобилияти
	Тушуниш (К2)	бошқарув самарадорлигини ошириш ва таълим муассасасининг ахборот-бошқарув муҳитини ривожлантириши учун замонавий ахборот-коммуникацион технологияларнинг имкониятларини тушунтириб бериш қобилияти
<b>Фаолиятли</b>	Қўллаш (К3)	замонавий ахборот-коммуникацион технологияларни мактабни бошқариш жараёнларида қўллаш қобилияти
	Анализ (К4)	замонавий ахборот-коммуникацион технологиялари асосида мактаб жараёнига тааллуқли маълумотларни тезкор равишда йиғиш, таҳлил этиш ва визуаллаштириш; яқка жойда тизимли равишда сақлаш; режа ва

		хисоботларни биргаликда шакллантиришни ташкил этиш қобилияти
Мотивацион	Синтез (К5)	шахсий ахборот-бошқарув муҳитини инновацион ахборот-бошқарув муҳитига интеграциялаш қобилияти
	Баҳолаш (К6)	глобаллашув ахборотлаштириш шароитида бошқарув фаолияти натижаларини танқидий баҳолаш асосида таълим муассасасини ривожлантириш қобилияти.

Белгиланган компетенциялар асосида умумий ўрта таълим мактаб директорларининг замонавий ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиш компетенцияларининг ривожланганлик даражалари аниқланди.

Адаптив (паст) даража ахборот-коммуникацион технологиялар соҳасидаги билим ва кўникмалар мавжудлигини назарда тутаяди, лекин улардан бошқарув фаолиятида фойдаланиш учун компетенциялар етарли эмас.

Интегратив (ўрта) даража директор замонавий ахборот-коммуникацион технологиялар соҳасида мавжуд бўлган билим, кўникма ва малакаларини ахборот-бошқарув муҳитига интеграциялаш қобилиятига эга бўлади, лекин мактабнинг ривожланишига эриша олмайди.

Креатив (юқори) даража глобал ахборотлаштириш шароитида бошқарув фаолияти самарадорлигини таъминлаб, мактабнинг ривожланишига олиб келади.

Диссертация ишида “Таълим муассасаси фаолиятини самарали ташкил этиш ва бошқаришга оид дастурий маҳсулотлар” малака ошириш курси мисолида директорларда Б.Блум таксономияси асосида ишлаб чиқилган ахборот-коммуникацион компетенцияларини динамик равишда мураккаблаштириб борилиши очиқ берилган. Унда курснинг ҳар бир мавзуси бўйича диагностик ва баҳоловчи тестлар келтирилган, интерактив видеомаърузаларнинг ўзига хос хусусиятлари умумий ўрта таълим мактаб директорида бошқарув компетентлигининг ривожланиш даражалари кесимида ёритилган. Шунингдек, эмпатия, таянч саволлар, ноодатий жараёнларда самарали ечим топиш каби креатив методларга асосланган амалиётга йўналтирилган вебинарларни ўтказиш бўйича тавсиялар берилган.

Диссертациянинг **“Умумий ўрта таълим мактаб директорларида креатив ахборот-коммуникацион компетентлигини ривожлантириш бўйича тажриба синовларини ўтказиш ва унинг натижаларини статистик баҳолаш”** деб номланган учинчи бобида ўтказилган тажриба-синов ишларининг натижалари ва уларнинг статистик таҳлили ёритилган.

Тажриба-синовининг мақсади умумий ўрта таълим мактаб директорлари малакасини ошириш курсларида узлуксиз касбий таълим шароитида креатив ахборот-коммуникацион компетентлигини

ривожлантиришга оид ишлаб чиқилган модель ва механизмларнинг самарадорлигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот учун асосий тадқиқот базаси сифатида А.Авлоний номидаги халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий тадқиқот институти олинди.

Тажриба-синов ишлари уч босқичда амалга оширилди.

Тадқиқотнинг биринчи босқичида (2018-2019 йй.) кўрилаётган муаммонинг таълим менежменти назарияси ва амалиётидаги ҳолати ўрганилди. Хусусан, илмий адабиётлар, умумий ўрта таълим мактаб директори бошқарув компетентлигининг таркибий тузилиши, малака ошириш курсларининг мазмуни таҳлил қилинди ҳамда креатив ахборот-коммуникацион компетентлигини ривожлантириш учун малака ошириш курсларининг имкониятлари аниқланди. Мазкур босқичда тадқиқотнинг дастлабки йўналишларини белгилаб олиш, тадқиқотнинг муаммосини ҳар томонлама ўрганиш, фаразини тахминлаш ҳамда вазифалар белгилаб олинди. Бу босқичда сўровнома, таҳлил, тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш каби тадқиқот усулларидан фойдаланилди. Тадқиқотнинг биринчи босқичи натижалари сифатида умумий ўрта таълим мактаб директорларининг креатив ахборот-коммуникацион компетентлигининг мазмун-моҳияти аниқлаштирилди.

Тадқиқотнинг иккинчи босқичида (2019-2020 йй.) умумий ўрта таълим мактаб директорларининг креатив ахборот-коммуникацион компетентлигини ривожлантириш модели, механизмлари, малака ошириш курси ўқув режаси ва дастурлари ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди. Мазкур босқичда онлайн сўровнома ва тест, таҳлил ва синтез, моделлаштириш, кузатиш каби тадқиқот усуллардан фойдаланилди.


